

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ ТАНЛАШГА ЙЎНАЛТИРИШГА ЁНДАШУВНИНГ ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМИ

К. А. Мамажонова

1- босқич таянч докторант.

Жиззах давлат педагогика университети

Ҳар бир касб-хунар эгаси воқеликни тўғри тушуниши орқали, ўз устида ишлашга эътибор бериб, танлаган касбидан баҳраманд бўлишни таъминлаш бевосита таълим муассасалари тизимида ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш механизми ва унга ёндашувни тақозо этади. Касб танлашга йўналтириш механизми ва унга оқилона ёндашув тушунчаси мавҳум тушунча бўлмай ўзига хос алоҳида хусусиятга эга бўлиб, ўқувчилар танлаган касби фаолиятида барча аниқ ҳаракатлар алоқадорлигида намоён бўлади. Айтилганларга мос ҳолда анашу тушунчалар моҳиятига эътиборни қаратамиз. Амалий механикадан маълумки, “Механизм деб – битта қўзғалмас звено, бир ёки бир неча ўзаро боғланган қўзғалувчан звенолардан иборат ва аниқ ҳаракатланишга мўлжалланган кинематик жуфтларга айтилади” деб таърифланади. Мазкур таърифни мавзуга тадбиқ этадиган бўлсак, қўзғалмас звено халқ таълими тизими сифати, қўзғалувчан звенолари – таълим сифатини оширишга қаратилган ёндашувлар, самарадорлиги эса аниқ ҳаракатланишни ифодалайди.

Таълим муассасаларида ўқувчиларни касб танлашга йўналтиришга тўғри ёндашув муаммоси унинг ечимини тўғри топиш, мақсадни аниқ белгилаб олиш, мавжуд шароит ва ресурсларни ҳисобга олган ҳолда унга эришишнинг усуллари топиш, улардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Тўғри ёндашув мақсадининг мантикий занжири – унга эришиш йўли ҳақидаги тушунчалар ҳисобланади. Бундай тушунчалар таркиби ва усуллари моҳиятига қуйидагиларни келтириш мумкин.

1. Фанлараро алоқадорлик. Педагогикада “фанлараро алоқадорлик” асосида ёндашув категориясининг 30 дан ортиқ тушунчаси олимлар томонидан тадқиқ қилинган. Уларни баҳолашда, турларга ажратишда, педагог олимларнинг ҳар хил қарашлари мавжуд.

2. Интеграция асосида интегротив ёндашув. Интеграция тушунчаси ва интегротив ёндашувлар ҳақида ҳам кўплаб тадқиқотлар мавжуд. Шуларни ҳисобга олиб, қисқа маълумотларни келтирамиз. Интеграл атамасини дастлаб XVII-асрда Я.Бернулли (1654-1705) математика фанига киритди. Унга кўра олий математикада бу тушунча чексиз кичик сонлар йиғиндиси сифатида қараладиган бутун миқдорни ифодалайди. Шу тушунчадан келиб чиқиб, кейинги “интеграцилаш” тушунчаси: философия, социология, психология, педагогика ва бошқа қатор фанларда фойдаланиб бошланди. Шунга кўра интеграция ва интеграциялашни русча-ўзбекча луғатда (394-бет) “бир бутун қилиб

бирлаштирмак; яхлит ҳолга келтирмак” деб изоҳланади. Шунингдек “Интеграция” французчада integration – бир-бирига қўшмак, қатнаштирмак маъноларини, лотинчада integration – яхлит integer атамасидан олинган бўлиб, тикламак, камчиликлар ўрнини тўлдирмак деган маънони англатади.

Интеграция – тушунчасини тавсифлаш учун олимлар “тизим”, “тизимлилик”, “алоқадорлик”, “умумлаштириш”, “яхлитлаш”, “элементлар”, “компонент (ташқил этувчи)лар”, “қисмлари” каби атамалардан фойдаланадилар. Шу маънода интеграциянинг юқоридаги тавсифлари умумий тушунча сифатида кўпқиррали ва уларнинг барча томонлари моҳиятини битта мақолада очиб бериш имконияти йўқ. Буни “интегротив ёндашув” дидактик жиҳатдан чуқур илдизга эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Таҳлилий мулоҳазалар асосида таълим тизимида хос интегротив ёндашув йўналишларини:

1. ўқув предметлари билимларига оид тушунчаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
2. таълим тизимида ортиқча предметларни бартараф этиш;
3. ўқув курсларида, бўлимларида мавзуларни ўрганиш вақтини қисқартириш;
4. қайта такрорлашларни чеклаш;
5. таълим технологияларини ўзгартириш;
6. ўқувчиларнинг билимларини ривожлантириш учун нисбатан энг яхши педагогик шарт яратиш;
7. педагогик жараёндаги уни ташқил этувчи тадбирлар, уларнинг ўрни, роли алоқадорлигининг ўқув (дарс) вақтида ва дарсдан ташқари узвий боғлиқлиги талабларини ҳисобга олган тизимли ёндашувларни назарда тутаяди дейиш мумкин. Илмий педагогик манба ва адабиётларда “ёндашув” деганда учта асосий компонент (таркибий қисм)ни ўзида мужассамлаган комплекс педагогик воситаларни тушунилади, уларга:
 1. асосий тушунчалар – ўқув жараёнида фойдаланиладиган бошқарув ва ўқув-тарбия амалиётини такомиллаштириш омилларини асослаш;
 2. тамойиллар – дастлабки ҳолатлар ёки педагогик фаолиятнинг самарадорлигини ошириш;
 3. Услугалар ва приём – танланган мақсад ва йўналишга нисбатан энг мос келадиган таълим жараёнини қуришлар киради.

3. Синергетик ёндашув (концепция). Синергетик концепцияда бош масала (истикбол)ни белгилаб олиниб, бутун жамоанинг шу масалани ҳал қилиши учун (фанлараро интеграция, услубий, молиявий, маънавий, мафкуравий...) маълум тасдиқланган режа асосида биргалашиб ишлаши билан “интегротив ёндашув” дан фарқ қилади ёки бошқача айтганда синергетик концепция ўзида барча тегишли интеграцияларни бир мақсад йўлида мужассамлаб бирга ишлашни назарда тутаяди.

Бундай қараганда “синергетик ёндашув” билан “интеграция”, “интегратив ёндашув” бир маънога эга сингари туюлади, аслида ҳам деярли шундай. Лекин фарқи шундаки, таълимда интеграциянинг назария ёки амалиёт ва бошқа кўринишдаги ўқув жараёни билан боғлиқ методлар, услублар, йўналишлар, соҳалар, тарбиялашларга оид хилма-хил турлари мавжуд. Аммо бу хилма-хилдан ҳар бирини алоҳида яхлит, бир бирини тўлдирувчи вазиятга ўтиш (алоҳида қисмларни бир бутун ҳолга келтириш) ни фақат битта фан ўқитувчиси ёки бошқа соҳага тааллуқли киши билими ва тажрибасидан келиб чиқиб амалга оширади.

4. Синектик ёндашув (синектика). “Синектика” атама (сўзи) си юнон тилидан таржима қилганда (муаллифи Уильям Ж.Гордон) “ҳар хил элементларни бирлаштириш” деган маънони билдиради. Бу “синектор”ларнинг юқори савиядаги ихтисослашуви, янги ғоялар “касбий генерация”сининг пайдо бўлишига олиб келади. Синектор - бу кенг савияли қоида бўйича иккита ихтисосликка эга бўлган мутахассис. Синекторлар янги ғояни излашда куйидаги тўрт турдаги: 1) тўғридан-тўғри; 2) шахсий (эмпатия); 3) фантастик; 4) символик ўхшашликдан фойдаланиб бирлаштиришни назарда тутади. Юқоридаги айтилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, таълим муассасаларида ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш механизми самарадорлигини ошириш аниқ ҳаракатларни таъминловчи ёндашувни чуқур таҳлиллар асосида танлашни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Б.Отажонова. Барча фанлар касб-хунарга йўналтиради. Маърифат газетаси. 2011 йил 20-август.
2. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. ...дисс. – Т., 2007.
3. Николаева М.А. Интегративный подход к профессиональной подготовке будущих специалистов по рекламе. Практико-ориентированная монография. Екантеринбург., 2014 г. 7 стр.
4. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Ўрта махсус, касб-хунарга ва олий таълим интеграцияси. Касб таълими методикаси. Методик қўлланма. Тошкент. – 2006.